

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ДАВОМИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЕКШИРИШ ТУШУНЧАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш
институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси,
майор **Эшқулов Достон Жаҳонгир ўғли.**

Аннотация: ушбу мақолада дастлабки тергов ҳаракатларида, ишни судга қадар юритиш босқичида тўпланган далилларнинг қонунийлиги, далилларни қонуний асосларга кўра тўрлаш лозимлиги, далилларни тўплашда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ҳар бир далилни қандай усулда олинганлиги ва ҳар бир далил мақбул далил деб эътирофи этилиши муҳим аҳамият касб этиши, номақбул далил сифатида эътироф этилишини олдини олиш каби масалалар юзасидан муҳокама ва тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

Калит суўлар: Конституция, жиноят-процессуал кодекс, далил, далилларни текшириш, исбот, дастлабки тергов, судга қадар ишни юритиш, инсон ҳуқуқлари, мақбул далил, номақбул далил.

Аннотация: В статье рассматриваются и даются рекомендации по таким вопросам, как законность доказательств, собранных в ходе предварительного расследования и досудебного производства, необходимость сбора доказательств на законных основаниях, обеспечение прав человека при сборе доказательств, важность способа получения каждого доказательства, а также важность признания каждого доказательства допустимым доказательством и недопущения признания его недопустимым доказательством.

Ключевые слова: Конституция, Уголовно-процессуальный кодекс, доказательства, исследование доказательств, доказывание, предварительное расследование, досудебное производство, права человека, допустимые доказательства, недопустимые доказательства.

Abstract: The article examines and provides recommendations on such issues as the legality of evidence collected during preliminary investigation and pre-trial proceedings, the need to collect evidence on legal grounds, ensuring human rights when collecting evidence, the importance of the method of obtaining each piece of evidence, and the importance of recognizing each piece of evidence as admissible evidence and preventing its recognition as inadmissible evidence.

Key words: Constitution, Criminal Procedure Code, evidence, examination of evidence, proving, preliminary investigation, pre-trial proceedings, human rights, admissible evidence, inadmissible evidence.

Исбот қилишда далилларни текшириш муҳим аҳамиятга эга. Далилларни текшириш далилларнинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги ва тўғрилигини аниқлаш орқали жиноятни очиш ва айбдорларни фош этишда муҳим аҳамият касб этади. Далилларни текшириш иш учун муҳим бўлган барча ҳолатларини суриштирувчи терговчи ва суд синчковлик билан ҳар томонлама, ҳолисона амалга оширади. Шу билан бирга далилларни текширишда ЖПКда белгиланган бошқа ҳолатлар ҳам инобатга олинади.

Текшириш жараёнида шохидларнинг кўрсатмалари, экспертиза натижалари, ҳужжатлар ва бошқа далил манбалари ҳар томонлама таҳлил қилинади. Бундан ташқари, далилларнинг манбалари ва уларнинг ишончлилиги юридик нормалар ва этика талабларига мувофиқ текширилиши керак. Шу билан бирга, далилларни текширишнинг самарали усуллари, масалан, таҳлилий ёндашувлар ва замонавий технологияларни қўллаш, жараённинг сифатини оширишга ёрдам беради.

Шу маънода, далилларни текшириш жиноят процессининг муваффақияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, адолатни таъминлаш, жиноятчиликни аниқлаш ва жавобгарликка тортишда керакли шартларни яратишда муҳим рол ўйнайди.

Исбот қилиш жиноят процессининг марказий босқичи бўлиб, айнан исбот қилиш орқали шахснинг айбли ёки айбсиз эканлиги аниқланади. Далилларни

текшириш эса исбот қилишда энг муҳим ўринни эгаллайди. Жиноят иш бўйича тўпланган ҳар бир далилнинг синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилиши:

биринчидан, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний мафаатларига хизмат қилиши,

иккинчидан, муайян жиноят иши бўйича қонуний, асосли ва адолатли процессуал қарорлар қабул қилинишининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.

“Исбот қилиш жараёни хатолардан холи бўлмас экан, ҳақиқатни аниқлаш ва бинобарин адолатга етишиш амру маҳол, бу жараённинг такомил бўлишига эришиш жиноят процесси фанининг энг долзарб ва марказий муаммоларидан биридир” [3, 4]

Далилларни текшириш тушунчасини таҳлили унинг луғавий маъноси билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “текшириш” атамасига “тўғри-нотўғри, ҳақ-ноҳақлигини билиш мақсадида кўздан, эътибордан ўтказмоқ” деб изоҳ берилган [4, 56].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94-моддасида иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Юридик адабиётлардаги бу борадаги фикрлар таҳлил қилиш жараёнида, далилларни текшириш тушунчасига турли ёндашувлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Хусусан, С.М.Рахмонованинг таъкидлашича, далилларни текшириш – жиноят иши ҳолатларини тўғри аниқлаш учун ҳақиқий маълумотларнинг ишончлилигини ҳамда улар олинган манбаларнинг сифатини синчковлик билан, ҳар томонлама ва ҳолисона аниқлаш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фаолиятидир [5, 170].

С.М.Рахмонова далилларни текшириш субекти сифатида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судни кўрсатиб ўтган, ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда терговга қадар текширувнинг мансабдор шахси ҳам далилларни текшириш босқичини қисман амалга оширолмакда. Шунинг учун терговга қадар текширувнинг мансабдор шахсини далилларни текшириш субекти сифатида назарда тутишимиз мумкин.

М.Е.Сморгунова, далилларни текшириш – исботлаш субъектларининг билиш фаолияти бўлиб, у иш бўйича исботлаш предмети ва чегаралари билан шартлашилган далилларни тўплаш ва баҳолаш билан узвий боғлиқ бўлади ҳамда жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ ва процессуал муддатлар доирасида амалга ошади, қонуний ва асосланган процессуал қарор қабул қилиш учун асосий қафолатлардан бири ҳисобланади ҳамда ушбу фаолиятнинг текшириш усуллари комплекс қўллаш орқали судга қадар тўпланган далилларнинг ишончлилигини аниқлашга имкон беради [6, 7] дея далил тушунчасига тўлақонли тариф беришга ҳаракат қилган. Юқоридаги олимларни фикрларига қисман қўшилган ҳолда ишни судга қадар юритишда далилларни текширишга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Далилларни текшириш – бу суриштирувчи ва терговчи томонидан жиноят иши юзасидан қабул қилинадиган қарорларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларни қўшимча далилларни тўплаш орқали текшириладиган ишга алоқадорлигини тасдиқлаши ёки рад этиши тушунилади.

Суриштирувчи ёки терговчи жиноят иши юзасидан мавжуд далилларни текширишда ушбу далилларни ҳуқуқий асослари ва манбаларига эътибор қаратиши шарт.

Далилларни текшириш жараёнида адвокатлар ва прокурорлар керакли маълумотларни тўплашлари, уларни таҳлил қилишлари ва ҳуқуқий нормаларга мослигини аниқлашлари керак. Текшириш жараёнида ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш муҳимдир.

Далилларни текширишда жиноят процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибни ҳисобга олиш лозим. Жиноят процессуал қонун нормалари асосида текширилган далилгина жиноят иши юзасидан қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигига ҳизмат қилади.

Бугунги кунда тергов амалиётида далилларни текшириш билан боғлиқ процессуал жараёнлар қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган бўлсада, баъзи ҳолатларда далилларни текширишда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйиладиганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол сифатида суриштирувчи ва терговчилар томонидан текширилган далиллар шахсни айблаш учун етарли бўлмаганлиги сабабли судланувчиларга нисбатан оқлов ҳукмини чиқарига асос бўлмоқда. Далилларни текширишда хорижий давлатлар замонавий технологиялардан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, улар асосан тезкор қидирув маълумотлар сифатида эътироф этилади. Замонавий техник воситалар орқали далилларни текшириш қонун нормалари билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ, шундагини текширилган далил иш учун процессуал жиҳатдан аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда ишни судга қадар юритишда далилларни текшириш – бу суриштирувчи ва терговчи томонидан жиноят иши юзасидан қабул қилинадиган қарорларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларни қўшимча далилларни тўплаш орқали текшириладиган ишга алоқадорлигини тасдиқлаши ёки рад этиши тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 2025.
3. Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. – Б. 4.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2006. – Б. 56.
5. Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism: Darslik / Mualliflar jamoasi. – Т.: TDYU, 2017. – Б. 170.

6. Сморгунова М.Е. Теоретические основы и практика проверки досудебных доказательств в уголовном процессе: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2004. – С. 7.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2024 йил октябргача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2024. – Б.